Ота-онага оқ бўлиш ҳақида

15:00 / 04.11.2020 4351

Арабча «оқ» сўзи луғатда «ёриш» ва «кесиш» маъноларини билдиради ҳамда озор бериш, осий бўлиш ва қарши чиқишни ифода қилади. Бир сўз билан айтганда, «оқ» сўзи «бирр»нинг тескарисидир.

???? ?????? ??????????? ???? ????? ????????? ????

??????? ?????: ????? ??????? ????? ??? ???? ????

????: ????? ????????????? ??????????

???????????? ????????? ???????: ????? ??? ???????

?????? ?????: ???????????? ???????? ?????????

??????????????? - ???????? ??????? ?????????? -

????? ???????? ????????. ??? ????? ??????????? ?????? ??????: ???????? ??????. ??????? ????????????? ??? ?????????.

Абдурроҳман ибн Абу Бакрадан, у отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта:

«Сизларга гуноҳларнинг каттасининг хабарини берайми?» – дедилар.

«Ҳа, ё Расулаллоҳ!» – дейишди.

«Аллоҳга ширк келтириш. Ота-онага оқ бўлиш», – дедилар ва ёнбошлаб ётган эдилар, ўтириб олдилар-да:

«Огоҳ бўлинглар, ёлғон гап!» – дедилар.

Ана шу гапни такрорлайвердилар, такрорлайвердилар, ҳаттоки, сукут сақласайдилар, дедим».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисда энг катта гуноҳлар ҳақида хабар бермоқдалар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга ширк келтиришдек буюк, дунёдаги энг катта гуноҳдан кейинги, иккинчи ўринда турадига катта гуноҳ ота-онага оқ бўлиш эканини айтяптилар.

Демак, инсон Аллоҳга ширк келтиришдан қанчалик қўрқса, ота-онага оқ бўлишдан ҳам шунчалик қўрқиши ва ёлғон гап, тўқима бўҳтонлардан ҳам шунчалик эҳтиёт бўлиши лозим экан.

???? ?????? ?????? ??? ???? ???? ???? ???????

?????: ??????? ????? ?????????? ???? ?????????

????????????? ?????? ????? ?????? ????????

???????? ??????????? ????? ??????? ?????

???????? ??????. ??????? ????????????????.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади.

«Ул зот айтдиларки:

«Жаннатнинг ҳиди беш юз йиллик масофадан сезилади. Унинг ҳидини амалини миннат қилувчи, оқ бўлган ва сурункали хамр ичганлар топа олмайдилар».

Тобароний ривоят қилган.

Аслини олганда, ота-онага яхшилик қилиш деб ҳисобланган ишларнинг зиддини қилган ва унинг натижасида ота-онасининг ранжишларига сабаб бўлган, уларнинг кўнглига озор берган фарзанд оқ бўлган ҳисобланади.

Аммо, ота-онага оқ бўлиш борасидаги ҳужжат ва далилларни жамлаб, таҳлил қилган уламоларимиз бу амал жумладан, қуйидагилар ила юзага келишини айтганлар:

1. Ота-онага қилиш лозим бўлган яхшиликни қилмаслик «оқ бўлиш» деб аталади. Ўша вазифалардан бирортасини қилмаслик ота-онага ўша соҳада оқ бўлишдир.

2. Ота-она боласи ҳақида қасам ичсаю, бола унга амал қилмаса.

3. Ота-она боласидан бирор нарсани сўраса, бола имкони бўла туриб, бермаса.

4. Ота-онанинг омонатига хиёнат қилиш.

5. Боланинг ота-онаси унинг ҳақида Аллоҳ таолога шикоят қиладиган иш қилиши.

6. Ота-онага оқ бўлиш амалий ва каломий қисмларга бўлинади. Ота-онага гап-сўз билан озор етказганлар уларга каломий оқ бўладилар. Ота-онага бирор қилмиши ила озор берганлар амалий оқ бўладилар.

Буларга ота-онани малол олиш, уларга дўқ қилиш, ғазаб кўрсатиш, тик қараш каби нарсалар киради.

7. Ота-онага оқ бўлишнинг умумий ўлчови шуки, агар бегонага нисбатан қилинса, кичик гуноҳ бўладиган нарса ота-онага қилинса, катта гуноҳга айланади.

Ушбу масалада ҳам одамлар орасида тушунмовчиликлар, бепаровлик ва ҳаддан ошишлар мавжуд.

Баъзи фарзандлар бепарволиклари туфайли ота-оналарига салбий оқ бўлишга олиб борадиган муомалаларни ўзларига эп кўрадилар.

Баъзи ота-оналар бўлар-бўлмасга ўз фарзандларини оқ қилишга шошиладилар. Яна бошқалари Аллоҳ таолонинг иродасига қарши бўлган ишларда болалари узр айтсалар ҳам, оқ қиламан, деган дўқ-пўписаларни қилишдан тап тортмайдилар. Бунга мисол тариқасида, «хотинингни талоқ қилмасанг, оқ қиламан», «ароқ ичмасанг, оқ бўласан», дейишлар киради. Баъзан ота-оналар орасидаги низоларда фарзандлар зулмга қоладилар. Ота: «онангдан кечмасанг, розимасман», деса, она: «отангдан юз ўгирмасанг, оқ қиламан», деб туриб олади. Бунда улар фарзандларини гуноҳга ундаш билан, ўзлари ҳам гуноҳкор бўладилар.

Бас, ҳар ким ўз чегарасини билиши ва ўша чегарада туриши лозим. Бунинг учун эса, албатта, динимиз таълимотларини пухта ўрганиб бориш керак.

«Бахтиёр оила» китобидан